БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 196 (19.272). ● 1985 йил 28 август, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

## Стахановчасига, зарбдорларча

БЕКОБОД (Тошкент области). Бекободдаги 16-автомобиль корхонасидан донгдор шофер Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ бригада ҳайдовчилари ўн иккинчи беш йиллик рейслари учун йўлланма олишди. Бу коллектив шу беш йиллик топшириқларини бажарганлиги тўғрисида шаҳар автомобилчилари ўртасида биринчи бўлиб рапорт берди. Шу вақт ичида 11 миллион тоннадан кўпроқ юк ташилди.

Ҳабибулла ўз муваффақияти сирини бригада бир неча йилдан буён хўжалик ҳисобида ишлаётганида, деб изоҳлайди. Шу боисдан бу ерда машина паркидан фойдаланиш коэффициенти юқори, машиналар камдан-кам бекор туриб қолади, меҳнат интизоми эса мустаҳкам. Бригададаги 29 нафар ҳайдовчининг ҳаммаси ўз маҳоратини доимо такомиллаштирмоқда, энг оқилона маршрутларни танлаб олмоқда.

Бу соҳада Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени нишондори бригадирнинг ўзи Ҳ. Абдужабборов зарбдор меҳнат намунасини кўрсатмоқда. Унинг смена иш унуми 200 процентдан ошади. Ҳозир у йил охиригача пландан ташқари 25 минг тонна юк ташиш мажбуриятини олди. Бутун бригада шу стахановчига тенглашмоқда.

(ЎзТАГ).

## ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТМАСЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқишга бағишланган конференцияда қатнашиш учун Женевада тўпланган шу муҳим халқаро битимда қатнашувчи давлатларнинг вакилларини табриклайман.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида кўп давлатларнинг коллектив куч-ғайратлари билан ишлаб чиқилган шартнома амалда ўзининг ҳаётий қобилиятини исботлади. Шартнома имзоланган вақтдан буён ядро қуролига эга бўлган биронта янги давлат пайдо бўлгани йўқ. Бу шартнома ўз қатнашчиларининг сони жиҳатидан қурол-яроғларни чеклаш соҳасидаги энг кенг битимдир. Унинг негизида ядро қуролини тарқатмаслик халқаро режими таркиб топиб, тинчликнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолди.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартноманинг тузилиши атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш ишидаги кенг халқаро ҳамкорлик учун қулай шароит вужудга келтирганлиги ҳам унинг муҳим натижасидир, бу эса ўз навбатида инсониятни энергия билан таъминлаш проблемасини, барча халқларни тўлқинлантираётган бошқа йирик иқтисодий проблемаларни ҳал этиш учун ғоят зарурдир. Шу вазифаларни амалий равишда ҳал этишда Атом энергияси халқаро агентлигининг хизмати катта.

Совет Иттифоқи бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг қатъий тарафдоридир. Атом энергияси амалда бутун инсониятнинг мулки бўлиб қолиши, фақат тинчлик ва бунёдкорлик манфаатларига хизмат қилиши муҳимдир.

Шартнома юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларга садоқатли Совет Иттифоқи ядро қуроли тарқалишига тўсқинлик қилибгина қолмай, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, уни орқага буриб юбориш учун ҳам ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилиб келди ва қилаверади.

Совет Иттифоқи ядровий қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш соҳасида ўз ташаббуси билан бир қанча қадамлар қўйиб, бошқаларга ибрат кўрсатди ва бу билан аҳдномалар ишлаб чиқилишига кўмаклашди. СССР ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олди. Башарти ҳали бундай мажбурият олмаган ядровий давлатлар ҳам шундай йўл тутсалар, умуман бу иш ядро қуролини қўллашни бутунлай тақиқлаш билан тенг бўлур эди.

Совет Иттифоқи ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиб қўйганлиги ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлини осонлаштиришдан иборат муддаомизнинг янги далилидир. СССР билан АҚШнинг ядро портлатишларини ўзаро тўхтатиб қўйишлари ядро қуроли синовларини тўла-тўкис ва ёппасига тақиқлаш тўғрисида халқаро шартнома тузиш учун қулай шароит ярата олишига, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг қоидаларини янада тўла-тўкис амалга ошириш учун кўмаклаша олишига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Ядро—космик даврда ядровий қуролланиш пойгасини жиловлаш проблемаси космик фазони ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Башарти космос урушга хизмат қилдириладиган бўлса, бу нарса ядро уруши хавфини кескин кучайтиришга олиб боради. Космосни тинч сақлаш, ҳарбий муҳолифлик соҳасидан соқит қилиш эса ядро аслаҳахоналарини чеклаш ва қисқартириш масалаларининг бутун комплексини ҳал қилишни олға силжитиш имконини берган бўлур эди. Айни вақтда инсон фаолиятининг жуда турли соҳаларида — ерда ҳам, космосда ҳам ҳар томонлама халқаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилган бўлур эди. Совет Иттифоқининг космик фазо ҳарбийлаштирилмаган шароитда уни тинч ўзлаштиришда халқаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг 40-сессиясида муҳокама қилиш учун киритаётган конкрет таклифлари ҳам шу мақсадни кўзлайди.

Хуллас, биз қуролланиш пойгасини жиловлаш соҳасида ҳамма жабҳалар бўйлаб зўр ғайрат билан иш олиб борилиши тарафдоримиз. Бу ўринда ядро қуролининг ёйилишига йўл қўймаслик соҳасидаги тадбирлар ҳамон муҳим ўрин олиб турганлиги шубҳасиз.

Конференция қатнашчиларининг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани янада мустаҳкамлаш йўлидаги куч-ғайратларида уларга муваффақиятлар тилайман.

М. ГОРБАЧЁВ.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИГА—27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

● Лабораторияда тадқиқот ишлари тугалланди

● Бунақаси жаҳонда ягона

● Мелиорацияда янгича йўналиш

● Сибирь дарёлари Ўрта Осиёга оқади



*Сиборол канали тадқиқотчилари ҳузурида*

## СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Бизнинг замонда сув келтирганлар азиз. Уларнинг кўп йиллик оғир меҳнатлари эвазига чўллар гулистонга айланади, экин майдонлари кенгаяди. Қишлоқ ва шаҳарлар сувга сероб бўлади. Далалар у ёқда турсин, даштлар ҳам яшнайди.

Сибирь—Ўрта Осиё улкан сув иншооти бугунги кунда катта ифтихор билан Сиборол деб номланмоқда. Бу улкан қурилиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг сони 120 тадан ортади. Ана шу иншоотни барпо қилиш билан боғлиқ масалалар тобора қизғин паллага кирмоқда. В. Д. Журин номли Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг ходимлари ҳам аср қурилишига ўзларини астойдил сафарбар қилдилар. Сиборол канали қурилиши параметрларини тадқиқ этувчи лаборатория ишлари тугалланди.

Сиборол канали масалалари билан шуғулланиш учун институтда мамлакатда энг йирик қумликлардан ўтадиган канал лойиҳаси барпо қилинди. Унинг узунлиги 220 ва кенглиги 10 метрдан иборат.

Бўлажак канал ўтадиган ўзаннинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари сўнгги босқичга кирди. Бироқ улар олдида ҳали катта қийинчиликлар турибди. Ахир каналнинг дастлабки навбати 2,5 минг километрдан ортиқ бўлади. Бунақаси жаҳонда бўлган эмас. Канал трассасининг асосий қисми қумликлар оша ўтади. Бу, албатта, лойиҳачиларга ҳам осонлик туғдирмайди. Келажакда қурувчилар ҳам кўпгина қийинчиликларни бартараф этишлари лозим бўлади. Техникавий ҳужжатларни тузиб чиқиш билан боғлиқ барча ишлар 1987 йилга бориб поёнига етказилади.

Институт тадқиқотчилари улкан сув иншооти қурилишига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлашган. Бунинг учун тадқиқотчилар коллективининг маҳорат ва тажрибаси етарли. Институт республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги системасида етакчи ташкилот ҳисобланади. У суғориш тармоқларидан фойдаланиш масалаларини ишлаб чиқишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш соҳасида кўламли ишлар олиб бораётган тадқиқотчилар деҳқончилик маданиятини оширишга йил сайин баракали ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда институт ходимлари гидромелиорация шохобчалари қурилиши, сув хўжалиги объектларини автоматлашган тартибда бошқариш проблемалари устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Улар ишлаб чиққан методлар ва тавсиялар сув хўжалиги ходимларининг оғирини енгил қилмоқда.

Шу ўринда биргина мисол келтирамиз. Такомиллашган зовурлар барпо қилишдан иборат прогрессив усул кенг қўлланилмоқда. Бу усулни Қарши даштидаги 25 минг гектар майдонда қўлланиш 12 миллион сўм иқтисодий самара бермоқда. Бу тадқиқот СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди. Дренажлар лабораториясида Шеробод чўлларидаги қумлоқ ерларда зовурлар барпо қилишнинг мураккаб шароитларини, шағал ёрдамида фильтрлаш усулини ўрганиш тугалланди.

Мелиорация ишларида аэрокосмик имкониятлардан фойдаланиш — янги йўналиш. Самолётлар ҳамда Ернинг сунъий йўлдошлари орқали олинган суратлар, гидрогеология-мелиорация тадқиқотлари йўли билан кўпгина маълумотлар тўпланди. Ана шу маълумотлар ёрдамида ерларнинг шўрланиш харитаси тузиб чиқилди. Унга асосланиб, тупроқнинг ҳолати хусусида пахтакорларга оператив ахборот бериб туриш мумкин.

Шу ва бошқа тажрибалар институт коллективининг катта ишга— Сиборол канали қурилишига кўрсатадиган ёрдами салмоқли бўлишидан далолат бериб турибди. Улар лаборатория ишлари, ўз тадқиқотлари билан сув келтиришга кўмаклашадилар. Шунинг учун ҳам улар элда азизлар.



**Суратларда: 1. Дренажлар лабораториясида. Техника фанлари кандидати Надежда Калюжная (чапда) ва инженер Марина Зеленина янги тадқиқотлар устида фикрлашаётган пайт. 2. Сиборол каналининг модели.**

**С. ВЕЛИЧКИН фотолари (ЎзТАГ).**

## ИНСОН ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК—СОВЕТЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Соғлиқни сақлаш ва Социал таъминот доимий комиссиясининг 27 август куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида Навоий область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг социал таъминотга раҳбарлик қилиш борасидаги фаолияти муҳокама қилинди. Маҳаллий Советлар областда социал таъминот практикасини такомиллаштириш, пенсионерлар ва меҳнатга лаёқатсиз гражданларнинг фаровонлигини, шу жумладан қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш борасида муайян иш қилаётганликлари таъкидланди. Советлар Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва қатнашчиларига, пенсионерларга медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатишга тобора катта эътибор бермоқдалар. Шу билан бирга депутатлардан У. Неъматов, А. И. Балакин, Т. Р. Диденко, Х. Ю. Аслитдинова, Н. А. Умеров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беккулбекова ва бошқаларнинг нутқларида Навоий область маҳаллий Советларининг, уларнинг ижроия комитетларининг, доимий комиссияларнинг ишида жиддий камчиликлар борлиги уқтирилди. Пенсиялар тайинлаш учун ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш ҳамда пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш юзасидан пенсия ҳақидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилмаган, пенсионерлар ва инвалидларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилашга оид тадбирларнинг аниқ-пухта ва бир мақсадга қаратилган системаси ишлаб чиқилмаган. Медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи, врачлик-меҳнат эксперт комиссияларининг иши юзасидан кўпгина эътирозлар билдирилди. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, аҳолини ишга жойлаштириш бюролари ишга лаёқатли пенсионерларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш билан дуруст шуғулланмаяптилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари, инвалидларнинг илтимослари, шикоятлари ва таклифларини кўриб чиққан вақтда юзакичилик, сансалорлик, одамларга нисбатан бепарволик фактлари ҳануз тугатилмаган. Социал таъминот системасидаги кадрларни танлаш ва тайёрлашда ҳам камчиликлар бор.

Доимий комиссия халқ депутатлари Навоий область Советига, унинг ижроия комитетига қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, областда социал таъминот органлари ишини яхшилашга оид тадбирларни амалга оширишни тавсия этди. Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигига унга қарашли идора ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида амалий ёрдам беришни кучайтириш таклиф қилинди.

Комиссия мажлисида Сирдарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг медицина стационарларида беморларнинг овқатланишини ташкил этиш тўғрисидаги ахбороти ҳам муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

### ЛИТВА ТИЛИДА

ВИЛЬНЮС, 27 август. (ТАСС). «Минтис» республика нашриёти В. И. Лениннинг 55 томлик Тўла асарлар тўплами ўттиз биринчи томини литва тилида нашрдан чиқарди. В. И. Ленин асарларини Литва Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти нашр этмоқда.

## ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТОШКЕНТ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА РЕМОНТ-ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН**

### СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент тажриба-механика ремонт-экскаватор заводининг коллективи КПСС XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор меҳнат вахтасида туриб, КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь ва 1985 йил апрель Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда ишлаб чиқилган қоидаларга амал қилиб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари, 1985 йил 25 ноябргача бажариш мажбуриятини олди.

Завод коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг контрол рақамларини муҳокама қилиб, АвтоВАЗ бирлашмасининг, Минск мотор заводининг, мамлакатдаги бошқа илғор корхоналарнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни қабул қилади:

1986—1990 йилларда капитал маблағларнинг 50 процентдан кўпроғи ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришга сарфланади;

Ўн иккинчи беш йилликда контрол кўрсаткичлардан ташқари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 миллион сўмлик оширилади. Ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади. Ҳар йили икки кун тежалган ёқилғи-энергетика ресурслари ҳисобига ишлаб берилади;

ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш давом эттирилади, ўн иккинчи беш йилликда асосий фондларнинг актив қисми 40 процент янгиланади;

рақамли программа билан бошқариладиган иккита станок жорий этилади. Ҳаракатга келтириладиган занжирларнинг деталларини совуқ ва иссиқ усулда штамповка қиладиган олтита робот-техника комплексини жорий этиб, темирчилик-пресслаш цехи реконструкция қилинади;

металл кукун ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қурилма барпо этилиб, фойдаланишга топширилади. Ана шу қурилма негизида плазма билан чанглаш учун камида бешта машина-ускуна жорий этилади. Бу эса тикланган деталларнинг ишлаш муддатини 3—4 баравар кўпайтириш имконини беради;

ана шу тадбирларни бажариш ҳисобига пландан ташқари меҳнат унумдорлигини беш процент оширишга эришилади;

харидоргир буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўли билан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 1,8 баравар кўпайтирилади;

жами саҳни 3,4 минг квадрат метр келадиган уй-жой қурилади, заводнинг «Навгарзан» пансионатининг иккинчи навбати қуриб битказилади, бу ерда айни бир вақтда 200 киши қабул қилинадиган бўлади.

**Социалистик мажбуриятлар меҳнат коллективининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

## ФЛОТ БУНЁДКОРЛАРИ

Бундан олтмиш йил муқаддам, 1925 йил август ойида совет кемасозлиги чоғроқ ёғоч-тахта ташувчи кема ва танкерлардан иборат эди. Ўтган давр ичида у қудратли атом музёрарлари, лихтеровозлар, илм-фан кемаларигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Кемасозлар барча босқичларда масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб, халқ хўжалигини ривожлантириш программаларини амалга оширишда фаол қатнашдилар.

Кемасозлар эришилган муваффақиятларга талабчанлик ва танқидий нуқтаи назардан баҳо бериб, резервлардан тўлиқ фойдаланиш, фан билан алоқани мустаҳкамлаш, унинг ечимларидан тажрибада кенг фойдаланиш ҳисобига тармоқ ишини интенсив йўлга ўтказишни тезлаштиришни мўлжалламоқдалар. Бу фикр совет кемасозлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда алоҳида таъкидланди. Йиғилиш 26 август куни Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, ҳарбий саркардалар, социалистик мусобақа илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари президиумда ўтиришибди.

Кемасозлик саноати министри И. С. Белоусов доклад қилди. (ТАСС).

## Жейн СМИТ хонимга

Муҳтарама Жейн Смит хоним!

Қизингиз Саманта ва эрингиз Артурнинг фожиали ҳалокати муносабати билан чуқур ҳамдардлигимизни қабул этгайсиз.

Совет Иттифоқида Саманта Смитни танийдиган ҳамма кишилар миллион-миллион совет йигит ва қизлари каби Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик бўлишини орзу қилган америкалик қизчанинг сиймосини доимо эсда сақлайдилар.

Эҳтиром билан

М. ГОРБАЧЕВ.

## КИНО КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон кинематографияси кўп миллатли совет кино санъатининг таркибий қисми бўлиб қолди. Республика экран усталарининг асарлари интернационализм, халқлар ўртасида дўстликнинг юксак ғоялари, фильмларда замонамизнинг актуал проблемаларини талқин этишга интилиш билан ажралиб туради. Совет киноси кунига бағишланиб 27 август куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди.

Докладчи — Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитетининг раиси А. О. Тўраев ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар республика студияларида ҳар йили ўнлаб бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион ленталар яратилаётганини таъкидладилар. Ўзбекистон кинематографиячиларининг кўпгина фильмлари халқаро ва Бутуниттифоқ кино фестивалларининг совринлари билан тақдирланган.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этди. (ЎзТАГ).

## Фестиваль акс-садоси

Халқаро Ёшлар йилини ўтказувчи республика комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказилган XII Жаҳон фестивали якунлари ва унда Ўзбекистон делегациясининг иштироки кўриб чиқилди. Республика ЛКСМ Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг вакиллари ахборот бердилар.

Москва анжуманини ташкил этиш ва уни ўтказиш тадбирларида Ўзбекистон йигит ва қизларидан икки мингга яқин киши фаол қатнашганлиги уқтирилди. Улар митингларда сўзга чиқдилар, фестивалнинг 14 та тематик марказларида ишладилар, жаҳоннинг 50 мамлакатидан келган тенгдошлари билан учрашувлар ва мунозаралар ўтказдилар. Республикамиздан борган ижодий коллективларнинг аъзолари 70 га яқин концерт ва томоша қўйиб бердилар. Бу концерт ва томошаларни 350 мингдан кўпроқ киши кўрди.

(ЎзТАГ).

